

Бактерияларни зарарсизлантирувчи бўёқ яратилди

// 29.04.2025

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/bakteriyalarni-zararsizlantiruvchi-buyoq-yaratildi>



Ноттингем университети олимлари авиация, темир йўл ва саноат тармоқлари учун юқори самарали қопламалар ишлаб чиқарувчи Индеструстибле Паинт компанияси билан ҳамкорликда бактерия ва вирусларни ўлдирадиган бўёқ яратишди.

Маҳсулот ҳозирда зарур тадқиқотлардан ўтказилмоқда, аммо келажакда у одамлар гавжум жойларда юзаларни бўяш учун ишлатилиши мумкин.

Бўёқ полимер смоласи асосида ишлаб чиқарилади, унга тиббиётда дезинфекцияловчи сифатида маълум бўлган хлоргексидин қўшилади. Қуриш жараёнида у фаоллашади ва ичак бактерияси, олтин стафилококк, коронавирус ва бошқалар хавфли патогенларни ўлдиради.

Ишлаб чиқувчиларнинг таъкидлашича, бундай бўёқ касалхонада юқадиган инфекциялар ва антибиотикларга чидамликнинг тарқалишига қарши курашда амалий ва арзон ечим бўлиши мумкин.

Бўёқ билан пластик ва металл каби турли хил қаттиқ, ғовак бўлмаган материалларда қўлланилиб ўтказилган дастлабки тажрибалар маҳсулот бактериялар ва замбуруғларни самарали ўлдиришини ва тирналганида ўз хусусиятларини сақлаб қолишини кўрсатди.

Ишланма анъанавий дезинфекция усулларига ажойиб қўшимча бўлиши мумкин.

"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати